



Ўзбекистон Республикаси Табиат ресурслари вазирлиги

*Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш йўналишида
2022 йилда амалга оширилган ишлар ҳамда
2023 йил учун устувор вазифалар бўйича
ТАҚДИМОТИ*

Тошкент - 2023



Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш қўйидаги
Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари билан
тартибга солинган:

1. “Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида”ги (26.12.1996й.) Қонун (29 та модда);
2. “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги (09.12.1992й.) Қонун (1-2, 11, 20, 30-моддалари);
3. “Экологик назорат тўғрисида”ги (12.12.2013й.) Қонун (7, 11-моддалари).



Қонун ижроси бўйича асосий ваколатли органлар

Экология ва атропо-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ҳисобланади.

Давлат экология қўмитаси – **22** та модда (саноат ташламалари);

Ички ишлар вазирлиги - **3** та (16, 17, 28) модда (автомототранспортлар);

Соғлиқни сақлаш вазирлиги - **4** та (6, 7, 12, 27) модда (санитария ҳимоя ҳудудлари) бўйича асосий ижрочи ҳисобланади.



Атмосфера ҳавосининг ифлосланиш даражаси (2021 йил, stat.uz)


| | | | |
|------------------------|---|-------------------------|----------|
| Атмосферага ташламалар | ➔ | 2,179 млн тонна | (100 %) |
| Транспорт воситалари | ➔ | 1,270 млн тонна | (58,3 %) |
| Саноат корхоналари | ➔ | 909,0 минг тонна | (41,7 %) |



2022 йилги дастлабки ҳисоб-китоблар бўйича атмосферага ташламалар миқдори **2,057 млн тоннани** ташкил қилиб, шундан, **1,296 млн тоннаси** (**63,0 фоиз**) транспорт воситалари ҳамда **762,4 минг тоннаси** (**37,0 фоиз**) саноат корхоналари ҳиссасига тўғри келмоқда.




Атмосфера ҳавосига саноат ва ишлаб чиқариш корхоналардан ташланмалар динамикаси (минг тоннада)






Ўзбекистон Республикаси бўйича саноат ва транспортлардан атмосферага чиқарилган ифлослантирувчи моддалар миқдори тўғрисида ТАҚҚОСЛАМА МАЪЛУМОТ

МИНГ ТОННА







Умумий ташламаларнинг энг юқори кўрсаткичлари (ҳудудлар кесимида) *минг тонна*



Шундан, саноат корхоналаридаги турғун манбалардан энг кўп ташламалар ташланган ҳудудлар (минг тонна)



Шундан, транспорт воситаларидан энг кўп ташламалар ташланган ҳудудлар (минг тонна)





Атмосферага саноат корхоналаридан ташламаларни камайтириш мақсадида

Вазирлар Маҳкамаси томонидан “2022-2023 йилларда республикадаги йирик саноат корхоналарида чанг-газларни тутиб қолиш самарадорлигини янада оширишга қаратилган чора-тадбирлар Дастури” тасдиқланди (25.03.2022 йил, 05/33-5-сон).

| | | |
|------------------------|---|---------------------------------------|
| 2022 йилда | ➔ | 115 та корхонада 357 та |
| 2023 йилда | ➔ | 155 та корхонада 714 та |
| 15,0 минг тонна | ➔ | атмосферага ташламалар камайиши |

Дастур доирасида 2022 йилда 96 та ишлаб чиқариш ва саноат корхоналарида жами 362 та чанг-газларни тутиб қолиш ускуналарини таъмирлаш ва янгиларига алмаштириш таъминланди. Атмосфера ҳавосига 2590,8 тонна ташламаларнинг ташланиши олди олинди.



**Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2019 йил 30 октябрдаги “2030 йилгача бўлган даврда
Ўзбекистон Республикасининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш
концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” ги ПФ-5863-сонли Фармони**

Фармон доирасида **9 та** вазирлик ва идораларга (*“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ, “Ўзбекнефтгаз” АЖ, “Ўзкимёсаноат” АЖ, “Ўздонмаҳсулот” АЖ, “Олмалиқ КМК” АЖ, “Ўзметкомбинат” АЖ, “Ўзтрансгаз” АЖ, “Ўзбеккўмир” АЖ, “Иссиқлик электр станциялари” АЖ*) вазифалар белгиланган бўлиб, уларнинг ижроси бўйича ҳар чоракда таҳлил қилинади (*таҳлиллар натижаси юзасидан ҳар чорак якуни билан тегишли кўрсатма хатлари тақдим этилган*).

Тегишли бандлар ижроси бўйича **“Ўзбекнефтгаз” АЖ** ҳамда **“Иссиқлик электр станциялари” АЖ**да ўрганиш ўтказилди.



Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 3 июндаги 343-сонли қарорига асосан атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи манбалар устидан МОНИТОРИНГ НАТИЖАЛАРИ


| | | |
|--------------------------|---|------------------------------|
| Корхоналар сони | → | 351 та (ҳар ойда) |
| Ифлослантирувчи манбалар | → | 3 293 та |
| Олинган намуналар | → | 13 438 та |
| Физик-кимёвий таҳлиллар | → | 8 480 та |
| Меъёрдан ортиқ ҳолатлар | → | 77 объект / 125 манба |

Меъёрдан ортиқ ифлослантирувчи моддалар бўйича **10,4 млрд сўм** компенсация тўловлари ҳамда қонунбузилиши ҳолатлари бўйича **578,3 млн сўм** жарималар белгиланди.



Транспорт воситаларидан атмосферага ташламаларни камайтириш мақсадида Ички ишлар вазирлиги билан 2022 йилги II босқичли “ТОЗА ҲАВО” тадбири

Кўриқдан ўтказилди
Меъёрдан ошиқ
Ташламалар камайиши



295,5 минг
8,0 минг (2,7 фоиз)
257,3 тонна





Озонни бузувчи моддалар ва таркибида улар мавжуд бўлган маҳсулотларни Ўзбекистон Республикасига импорти ва экспорти бўйича амалга оширилган ишлар (09.01.2018й. 17–сон)

| | |
|----------------------|----------|
| Аризалар сони | 3757 та |
| Рухсатнома берилгани | 16 та |
| Хулоса берилгани | 3 657 та |
| Рад этиш хатлари | 84 та |

Озонни бузувчи моддаларни импорт қилишга квота олиш учун 7 та корхона (“STABOAZIYA” МЧЖ, “FAST FREEZING” МЧЖ, “SKYLINK” МЧЖ, “HAYRLI” МЧЖ, “DIRECT COOL” МЧЖ, “KIMYONIMOYTA'MINOT” МЧЖ ХК, “GLAVEL-BIZNES” МЧЖ) томонидан аризалар келиб тушган ва ушбу ташкилотлар ўртасида квоталар тақсимланган.



Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш бўйича саноат корхоналари томонидан бажарилган тадбирлар тўғрисида

Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш бўйича **245** та корхона ва ташкилотлар томонидан **486** та тадбирлар амалга оширилиб, қуйидаги маблағлар сарфланган:



78,2 млрд сўм



1,5 млн Россия рубли



135,8 млн долл.

Атмосферага **18,0** минг тонна ифлослантирувчи моддалар ташланишининг олди олинди.



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Атроф-муҳитга таъсирни баҳолаш механизмини янада такомиллаштириш тўғрисида” 2020 йил 7 сентябрдаги **541** - сон қарорига мувофиқ

1 135 та



Давлат экологик экспертизаси хулосалари
берилишида **жамоатчилик эшитувлари** ўтказилди





МАВЖУД МУАММОЛАР

1. Концепция доирасида атмосферага ташламалар миқдорини умумий **10 фоизга** (ҳар йили **1 фоиздан**) камайтириш белгиланган бўлсада, **2022 йил** дастлабки ҳисоб-китоблар бўйича ташламалар миқдори **Тошкент шаҳрида (242,9 минг тонна)** олдинги йилга нисбатан ортган. Бунга асосан, корхоналарнинг мавжуд чанг-газ тозалаш ускуналарининг **55 фоиздан** ортиғи узоқ муддатда фойдаланишда бўлганлиги ҳамда маънан эскирганлиги ҳисобланади.

2. Бухоро (**76 та**), Хоразм (**177 та**), Тошкент (**275 та**) вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳри (**285 та**) корхоналарида муддати ўтган норматив ҳужжатлар мавжуд бўлиб, Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 12 апрелдаги 202-сон қарори асосида қўшимча компенсация тўловлари ҳисобланмоқда.



МУАММОЛАРНИНГ ЕЧИМИ БЎЙИЧА ТАКЛИФЛАР

1. Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган “**2022-2023 йилларда республикадаги йирик саноат корхоналарида чанг-газларни тутиб қолиш самарадорлигини янада оширишга қаратилган чора-тадбирлар Дастури**” доирасида **155** та саноат ва ишлаб чиқариш корхоналаридаги **714** та чанг-газ тозалаш ускуналарининг самарадорлигини ошириш.

2. Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган “**Тошкент шаҳрида экологик хавфсизликни таъминлаш, экологик вазиятни яхшилаш, қулай экологик ҳолатни барқарор сақлаш, атроф табиий муҳитга салбий таъсир кўрсатаётган корхоналарда ушбу ҳолатларни бартараф қилишга кўмаклашиш бўйича “Йўл харитаси”** (01.08.2022й., 05/1-1865) доирасида белгиланган тадбирлар ижросини таъминлаш.



МУАММОЛАРНИНГ ЕЧИМИ БЎЙИЧА ТАКЛИФЛАР

3. Вилоят ҳокимликлари ва бошқа мутасадди ташкилотлар билан биргаликда “**2030 йилгача бўлган даврда Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш концепцияси**” доирасида ҳудудларда транспорт ва пиёдалар оқими кесишадиган жойларни камайтириш, магистралларнинг юклама даражасини пасайтириш, транспорт оқими таркибини ва ҳаракат тезлиги режимини тартибга солиш циклини оптималлаштиришда иштирок этиш.

4. Янгидан фойдаланишга топширилаётган ишлаб чиқариш қувватларининг атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи турғун манбаларида самарадорлиги **99,5 фоиздан** паст бўлмаган чанг ва газларни тутиб қолувчи қурилмалар қўлланилишини таъминлаш.